



САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА МОЛЯВИЙ САМАРАДОРЛИКНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИХАТЛАРИ

Обидова Интизор Бегалиевна
STARS университети
ORCID: 0009-0007-0915-4363
intizorobidova1984@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада мавзуга оид илмий адабиётларни ўрганиш ҳамда саноат корхоналарида молявий самарадорликни статистик баҳолашнинг услубий жиҳатлари ёритилган.

Калит сўзлар: саноат тармоғи, саноат корхонаси, молявий самарадорлик, рентабеллик, ликвидлилик, факторли таҳлил, бенчмаркинг.

МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ СТАТИСТИЧЕСКОЙ ОЦЕНКИ ПРОМЫШЛЕННОСТИ И ФИНАНСОВОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ

Обидова Интизор Бегалиевна
Университет STARS

Аннотация. В данной статье описано исследование научной литературы по предмету и методическим аспектам статистической оценки финансовой эффективности промышленных предприятий.

Ключевые слова: промышленный сектор, промышленное предприятие, финансовая эффективность, рентабельность, ликвидность, факторный анализ, бенчмаркинг.

METHODOLOGICAL ASPECTS OF STATISTICAL EVALUATION OF INDUSTRY AND FINANCIAL EFFICIENCY

Obidova Intizor Begaliyevna
STARS University

Abstract. This article describes a study of scientific literature on the subject and methodological aspects of statistical evaluation of financial efficiency of industrial enterprises.

Keywords: industrial sector, industrial enterprise, financial efficiency, profitability, liquidity, factor analysis, benchmarking.

Кириш.

Мамлакатни энг муҳим ва стратегик аҳамиятга эга тармоғи ҳисобланган саноат ривожланган ва тараққий этган мамлакатларда юқори даромад келтирувчи ва тез суръатларда ривожланаётган муҳим тармоқлардан бири ҳисобланади. Саноат тармоғининг жаҳон иқтисодиётининг ўсишига қўшаётган ҳиссаси, жумладан, соҳада яратилаётган ялпи қўшилган қиймат, аҳоли бандлиги, товар ва хизматлар айланмасининг ошиши, транспорт, ахборот ва алоқа соҳалари ҳамда қишлоқ хўжалигининг ривожланишига таъсири беқиёсдир.

Чунки, саноат тармоғи барча мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ташкилий интилишлари, уларнинг иқтисодий интеграция тавсифида ўз ифодасини топади. Натижада барча мамлакатларнинг табиий, меҳнат ва молиявий ресурсларидан, фан-техниканинг барча ютуқларидан оқилона фойдаланишни талаб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг асосий мақсади ҳам ишлаб чиқариш корхоналари самарадорлигини таъминлаш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда халқимиз фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш” деган фикрлари ушбу йўналишга қаратилаётган алоҳида эътиборнинг далилидир.

Бу борада мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланиш, юқори технологияли ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигини ошириш асосий уствор вазифаларимиз ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни юқори технологиялар асосида модернизация қилиш истеъмолчилар талабидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ва нархини белгилаш саноат корхоналарида молиявий самарадорликни оширишда асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Европа олимларидан Barth (2007) "Statistical Methods for Financial Analysis" номли китобида статистик кўрсаткичлар ёрдамида корхоналарнинг молиявий ҳолати ва фаолияти самарадорлигини баҳолаш усуллари ва йўналишлари тўғрисида ўз фикрларини келтириб ўтган.

Шунингдек, Tucker (2011) "Statistical Methods in Finance and Economics" номли китобида саноат корхоналарида молиявий самарадорликни статистик баҳолаш ва таҳлил қилишда юзага келадиган муаммолар ҳамда уларнинг ечимларига алоҳида тўхталиб ўтган.

Бундан ташқари Chong (2014) ҳам ўзининг "Statistical Methods for Financial Engineering" номли китобида саноат корхоналарида молиявий самарадорликни статистик баҳолашнинг аҳамияти, бошқарув ва қарор қабул қилиш жараёнларини оптималлаштириш, рискни таҳлил қилиш, прогнозлаш ва самарадорликни ошириш каби муҳим жиҳатларга эътибор қаратган.

МДХ мамлакатлари олимларидан Захаров (2011) ишлаб чиқаришни иқтисодий самарадорлигини аниқлашни назарий жиҳатларини ўрганиб чиққан. Мазкур олим ўз тадқиқотларида ишлаб чиқаришга сарфланган капитал ва харажатлар самарадорлигига алоҳида эътибор қаратган. Захаров (2011) ишлаб чиқариш самарадорлигини унга сарфланган капитал қиймати натижа сифатида ифодалаган.

Морозко (2018) "Иқтисодий ва технологик даража" кўрсаткичи орқали самарадорликни баҳолашга эътибор қаратган бўлиб, ушбу олим ўз тадқиқотларида технологик жараёнлар кетма-кетлигининг корхоналар ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсирини ўрганган.

Тадқиқот методологияси.

Илмий адабиётларни ўрганиш асосида олиб борган тадқиқотларимиз натижасида саноат корхоналарида молиявий самарадорликни статистик баҳолашнинг услубиётини ишлаб чиқиш олдимизда турган асосий вазифа.

Илмий адабиётларни ўрганиш натижасида маълум бўлдики, корхоналарнинг молиявий самарадорлигини статистик баҳолаш қуйидаги услубий ёндошувларни ўз ичига олади:

- молиявий кўрсаткичларнинг динамикасини таҳлил қилиш;
- кўрсаткичлар таҳлили;
- факторли таҳлил;
- бенчмаркинг;
- молиявий кўрсаткичларни моделлаштириш.

Молиявий кўрсаткичларнинг динамикасини таҳлил қилиш. Ушбу усул молиявий самарадорлик кўрсаткичларини турли даврлар бўйича солиштиришни ўз ичига олади. Бу усул тенденцияларни ва қонуниятларни аниқлаш имконини беради, шунингдек, корхонанинг молиявий ҳолатидаги ўзгаришларни баҳолашга ёрдам беради;

Кўрсаткичлар таҳлили. Ушбу усулда молиявий кўрсаткичлар, масалан, ликвидлик, рентабеллик, айланиш ва молиявий барқарорлик кўрсаткичлари ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар корхонанинг ҳолатини янада чуқурроқ таҳлил қилишга, унинг кучли ва заиф томонларини аниқлашга ва потентсиал хавфлар ҳақида хулоса чиқаришга ёрдам беради;

Факторли таҳлил. Ушбу усул молиявий кўрсаткичлардаги ўзгаришларнинг сабабларини аниқлаш учун қўлланилади. Бу усул рентабеллик, ликвидлик ва бошқа молиявий самарадорлик омилларига таъсир қилувчи асосий омилларни ажратиб кўрсатади;

Бенчмаркинг. Ушбу усул солиштириш таҳлилдир, унда корхонанинг молиявий кўрсаткичлари шунга ўхшаш ташкилотлар кўрсаткичлари билан солиштирилади, бу эса ишлаш самарадорлигини баҳолашга ва яхшиланиш учун мумкин бўлган йўналишларни аниқлашга ёрдам беради;

Молиявий кўрсаткичларни моделлаш. Математик ва статистик моделлар ёрдамида корхонанинг молиявий ҳолатидаги ўзгаришларни келажакда тахмин қилиш мумкин, шунингдек, молиявий барқарорликни таъминлаш ва рентабелликни ошириш стратегияларини ишлаб чиқиш мумкин.

Амалиётда саноат корхоналарининг молиявий самарадорлигини баҳолашда қуйидаги статистик методлардан фойдаланилади:

- регрессион таҳлил;
- вақтли қаторлар таҳлили;
- корреляцион таҳлил.

Регрессия таҳлили турли молиявий кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш имконини беради. Масалан, рентабелликнинг капитал структурасига ёки савдо ҳажмига боғлиқлигини ҳисоблаш мумкин. Бу асосий омилларни аниқлашга ёрдам беради ва уларни оптималлаштиришга имкон яратади.

Вақтлар қаторларни таҳлил қилиш тенденцияларни баҳолаш ва келажакда молиявий кўрсаткичларни прогноз қилишда қўлланилади. Масалан, ушбу усул ёрдамида олинган тарихий маълумотларга асосланиб, даромад ёки фойда ҳажмини прогнозлаш мумкин ва мавсумийлик ёки бошқа омилларни ҳисобга олиш мумкин.

Корреляцион таҳлил турли молиявий кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш учун ишлатилади, масалан, қарз даражаси ва корхонанинг ликвидлиги ўртасидаги боғлиқлик. Ушбу усул кучли ва заиф боғлиқликларни аниқлашга ёрдам беради, бу эса молиявий самарадорликни яхшилаш бўйича қарорлар қабул қилишда ёрдам беради.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Молиявий самарадорлик бу саноат корхоналарининг барқарорлиги ва рақобатбардошлигини белгилувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Самарали бошқарувни амалга ошириш ва оқилона қарорлар қабул қилиш учун корхонанинг молиявий ҳолати тўғрисида объектив ва аниқ маълумотга эга бўлиш зарур. Бундай маълумотларни олишнинг энг қулай йўли молиявий самарадорликни статистик

баҳолашдир, бу молиявий фаолиятдаги муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш йўллари таклиф қилиш имконини беради. Бундан ташқари саноат корхоналарининг молиявий самарадорлиги бизнес фаолиятининг муҳим жиҳати бўлиб, ресурсларни тақсимлаш жараёнларига таъсир кўрсатади. Статистик методлар бундай корхоналарнинг молиявий ҳолатини, барқарорлигини ва рентабеллигини баҳолаш учун муҳим воситаларни тақдим этади. Молиявий самарадорликни статистик баҳолашга тизимли ёндашув, менежерларга, сиёсатчиларга ва инвесторлар учун микро ва макроиқтисодий омиллар контекстида корхоналарнинг операцион самарадорлигини тушунишга ёрдам беради.

Корхонанинг молиявий самарадорлиги корхонанинг ўз ресурсларини фойда олиш ва узоқ муддатли барқарорликни таъминлаш учун самарали ишлатиш қобилиятини англатади. Бу бир нечта жиҳатларни ўз ичига олади, масалан, рентабеллик, ликвидлик, молиявий барқарорлик ва активларнинг айланиши.

Молиявий самарадорликнинг асосий кўрсаткичларидан бири рентабелликдир, бу корхонанинг фойдасини харажатлари ёки сотилган маҳсулот ҳажмига нисбатини ўлчайди. Шунингдек, муҳим кўрсаткичлар орасида ликвидлик (корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятларни қоплаш қобилияти) яъни корхонанинг акти ёки қимматли қоғозининг бозор нархига таъсир қилмасдан тайёр нақд пулга айлантирилишининг самарадорлиги ёки қулайлигини англатади. Қарзларни бошқариш бу кўрсаткич корхонанинг қарзларини қайтариш ва молиявий барқарорликни сақлаш ҳамда фаолият самарадорлигини оширишда муҳим ҳисобланади. Операцион самарадорлик корхонада юқори суръатларда самарадорликни таъминлаш мақсадида ресурслардан оқилона фойдаланишни тақазо этади. Юқори самарадорликка эришиш учун корхоналар бизнес жараёнларини оптималлаштириш, ишлаб чиқариш харажатларни камайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва корхонанинг умумий самарадорлик қувватини оширишга ҳаракат қилади. Натижада, бундай корхоналар бозорда янада барқарор ва рақобатбардош бўлади.

Молиявий самарадорликни баҳолашда қуйидаги асосий кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- рентабеллик;
- ликвидлик;
- қарзни бошқариш;
- операцион самарадорлик.

Рентабелликни аниқлашнинг бир нечта усуллари мавжуд бўлиб, уларнинг айримларини қуйида келтириб ўтаемиз.

Ишлаб чиқариш рентабеллиги, умумий фойда (баланс фойдасини) асосий ва айланма мулкларнинг ўрта йиллик қийматига нисбати сифатида қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади (Pardaev va boshq., 2012):

$$Rich = \frac{\text{olingan foyda}}{(AFQ+AVQ)} * 100 \%, \quad (1)$$

Бу ерда:

AFQ – асосий фондлар қиймати;

AVQ – асосий воситалар қиймати.

Сотувлар рентабеллиги (ROS): бу кўрсаткич корхонанинг сотувлардан олинаётган фойдасининг умумий сотувларга нисбати сифатида қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$ROS = \frac{\text{olingan foyda}}{\text{umumiy sotuvdan tushum}} * 100 \%, \quad (2)$$

Бу ерда,

ROS бу компаниянинг нарх сиёсатини ва харажатларни назорат қилиш қобилиятини кўрсатувчи индикатордир.

Активлар рентабеллиги (ROA) корхона ўз активларини самарали ва фойдали ишлатаётглигини ифодалайди ва қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади [4]:

$$ROA = \frac{\text{sof daromad}}{\text{aktivlarning o'rtcha qiymati}} * 100 \%, \quad (3)$$

Бу ерда,

ROA – активлар рентабеллиги.

ROA юқори бўлса демак корхона ўз активларини самарали ишлатаётганини ифодалайди.

Капитал рентабеллик (ROE) акциядорлар капиталига нисбатан рентабелликни баҳолайди ва қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$ROE = \frac{\text{sof foyda}}{\text{qo'yilgan kapital}} * 100 \%, \quad (4)$$

Бу ерда,

ROE-капитал рентабеллиги.

ROE юқори бўлса инвестрларга катта фойда келтираётганлигини кўрсатади.

Ликвидликни аниқлашнинг бир нечта усуллари мавжуд бўлиб, уларнинг айримларини қуйида келтириб ўтамыз.

Жорий ликвидлик коэффиценти компаниянинг қисқа муддатли мажбуриятларини қисқа муддатли активлари билан қоплаш имкониятини кўрсатади ва қуйидаги формула ёрдамида аниқланади [5]:

$$Ktl = \frac{(OA - ZU)}{KO}, \quad (5)$$

Бу ерда,

Ktl — жорий ликвидлик;

OA — айланма активлар;

ZU — асосий капиталга киритиш учун ташкилотчилар томонидан қарзлар;

KO — қисқа муддатли мажбуриятлар.

Тезкор ликвидлик коэффиценти корхонанинг нақт пул ва тезда реализация қилинадиган активлари ёрдамида қисқа муддатли мажбуриятларни қандай қоплашни кўрсатади ва қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Kbl = \frac{(\text{Joriy aktivlar} - \text{Zaxiralar})}{\text{Joriy majburiyatlar}}, \quad (6)$$

Қарзни бошқариш кўрсаткичи (қисман қарз коэффиценти ёки қарз ва ўз маблағлари нисбати деб ҳам аталади) корхона молиявий барқарорлигини баҳолаш учун қўлланиладиган муҳим молиявий кўрсаткич. У корхона мол-мулкининг қайси қисми қарз ҳисобидан молиялаштирилганини ва қайси қисми ўз маблағлари ҳисобидан таъминланганини кўрсатади.

Қарзларни бошқариш кўрсаткичининг аҳамияти қуйидагилардан иборат:

- молиявий барқарорликни баҳолаш;
- инвесторлар учун сигнал;
- кредит қобилияти.

Молиявий барқарорликни баҳолаш. Қарз миқдори қанчалик юқори бўлса, корхона молиявий хавфни шунчалик кўпроқ ҳис қилади.

Инвесторлар учун сигнал. Инвесторлар ва кредиторлар корхонада қарз ва ўз маблағлари ўртасидаги мувозанатга эътибор беришади.

Кредит қобилияти. Кўрсаткич орқали кредиторлар қарз қайтариш имкониятларини баҳолайди.

Қарзни бошқариш кўрсаткичи қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\text{Qarz koefitsenti} = \frac{\text{umumiy qarz}}{\text{umumiy aktivlar}}, \quad (7)$$

Шу билан бирга операцион самарадорлик кўрсаткичлари (Key Performance Indicators, KPI) муҳим аҳамиятга эга. У корхонанинг асосий бизнес жараёнларини самарали бошқариш даражасини баҳолаш учун ишлатилади. Бу кўрсаткичлар корхонанинг молиявий ҳолати, ишлаб чиқариш жараёнлари, ходимлар самарадорлиги ва бозордаги рақобатбардошлигини аниқлашга ёрдам беради.

Операцион самарадорлик кўрсаткичлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

Ишлаб чиқариш ҳажми: Маҳсулот ёки хизматларнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажми.

Маҳсулот таннархи: Хомашё, меҳнат ва бошқа харажатларни инобатга олган ҳолда бирлик маҳсулот учун харажатлар.

Қайд этилган даромад: Олинган даромаднинг умумий ҳажми.

Чиқиндилар ва камомад даражаси: Ишлаб чиқариш жараёнида юзага келган чиқиндилар миқдори.

Иш вақтидан фойдаланиш коэффиценти: Ишчи кучи ва ускуналардан қанчалик самарали фойдаланилганини кўрсатади.

Операцион самарадорлик индекси (Operating Efficiency Ratio, OER) амалиётда энг кўп қўлланиладиган кўрсаткич бўлиб, қуйидаги формула ёрдамида аниқланади [6]:

$$\text{OER} = \frac{\text{operatsion xarajatlar}}{\text{sof daromad}}, \quad (8)$$

Бу ерда,

Operatsion xarajatlar - корхонанинг фаолият юритиши учун керак бўлган умумий харажатлар;

Sof daromad - Ҳақиқий савдо-даромадлар.

Молиявий самарадорликни таҳлил қилишда бир қатор молиявий ҳисоботлардан фойдаланилади. Улар молиявий ҳолатнинг умумий кўринишини беради ва бу орқали корхонанинг барқарорлиги, рентабеллиги, ликвидлиги ва бошқа кўрсаткичлар баҳоланиши мумкин:

Баланс ҳисоботлари. Баланс ҳисоботида корхонанинг активлари ва пассивлари акс эттирилади. Активлар корхонанинг эгалик қилаётган мол-мулк ва ресурслар, пассивлар эса қарзлар ва капитални ўз ичига олади. Баланс ҳисоботларидан фойдаланиб, молиявий мустаҳкамлик ва рентабеллик кўрсаткичлари аниқланади.

Даромадлар ва харажатлар ҳисоботлари. Бу ҳисоботда корхонанинг даромадлари ва харажатлари кўрсатилади, бу эса корхонанинг фойда ёки зарар ҳолатини аниқлашда ёрдам беради. Даромадлар ва харажатлар ҳисоботлари орқали рентабеллик кўрсаткичлари баҳоланиши мумкин.

Пул оқимлари ҳисоботлари. Бу ҳисобот пул оқимларини кўрсатади. Корхонанинг пул маблағлари оқими операцион фаолият, инвестициялар ва молиявий фаолият натижасида қандай шаклланаётганини кўрсатувчи муҳим кўрсаткичдир.

Хулоса ва таклифлар.

Молиявий самарадорликни таҳлил қилиш орқали қуйидаги натижаларга эришиш мумкин:

Корхонанинг молиявий ҳолатини аниқлаш: Молиявий самарадорликни баҳолаш, корхонанинг ҳозирги ва келажакдаги молиявий ҳолатини ўрганишга ёрдам беради. Бу ўз навбатида инвестицияларни жалб қилиш ёки ташқи қарзларни бошқаришнинг самарали стратегияларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Ресурсларни самарали бошқариш: Корхонанинг ресурслари ва капитали қандай ишлатилаётганини таҳлил қилиш орқали уларни янада самарали тақсимлаш имкониятлари аниқланади.

Бошқарув қарорларини қабул қилиш: Молиявий самарадорликни баҳолаш, корхонанинг бошқарувига кўпроқ ишончли ва тўғри қарорлар қабул қилиш имконини беради. Бу ўзгарувчан бозор шароитларида ҳам барқарор фаолиятни таъминлашга ёрдам беради.

Молиявий самарадорликни баҳолашда баъзи муаммолар юзага келиши мумкин, масалан:

Маълумотларнинг тўлиқлиги ва аниқлиги: Баъзи ҳолатларда, корхоналарнинг молиявий ҳисоботларида маълумотлар тўлиқ ёки аниқ бўлмаслиги мумкин. Бу баҳолаш жараёнининг ишончилигига таъсир қилиши мумкин.

Халқаро стандартларга мос келиш: Халқаро молиявий ҳисоботлар стандартлари (IFRS) ва миллий молиявий ҳисоботлар стандартлари ўртасидаги фарқлар таҳлил қилишда муаммо туғдириши мумкин.

Ташқи иқтисодий омиллар: Ташқи омиллар, масалан, иқтисодий инқирозлар, сиёсий ўзгаришлар ёки табиий офатлар корхонанинг молиявий ҳолатига бевосита таъсир қилиши мумкин.

Молиявий самарадорликни статистик баҳолаш саноат корхоналарининг асосли бошқарув оқилона қарорларини қабул қилишда ва ҳозирги ҳолатни баҳолашда муҳим воситадир. Турли методлар ва ёндашувлар, масалан, кўрсаткичлар таҳлили, факторли таҳлил, регрессия таҳлили ва моделлашиш, молиявий фаолиятнинг турли жиҳатларини чуқурроқ ўрганиш ва натижаларни яхшилаш йўллари аниқлаш имконини беради. Бироқ, статистик баҳолашдаги муаммолар ва чекловларни ҳисобга олиш муҳимдир, бу орқали хавфларни камайтириш ва таҳлилнинг аниқлигини ошириш мумкин. Замонавий иқтисодий жараёнларда молиявий ҳолатни доимий мониторинг қилиш ва статистик методларни қўллаш саноат корхоналарига рақобатбардошликни сақлаш ва барқарор ривожланишни таъминлашда ёрдам беради.

Адабиётлар Литература/ Reference:

Barth H. (2007) "Statistical Methods for Financial Analysis." Hoboken, NJ: Wiley & Sons.

Chong A. (2014) "Statistical Methods for Financial Engineering." New York: Springer.

Pardaev M.Q. va boshq. (2012) Moliyaviy va boshqaruv tahlili O'quv qullanma- Toshkent: Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi.

Tucker R. (2011) "Statistical Methods in Finance and Economics." Amsterdam: Elsevier.

Захаров Н.С. (2011) Эффективность производства и внешнеэкономической деятельности (теория, методы и практика расчетов) Монография –Москва,

Морозко Н.И. (2018) Оценка эффективности деятельности предприятия Интернет-журнал «НАУКОВЕДЕНИЕ» <http://naukovedenie.ru>